



Ислом Нури

Азиз биродар! Шубҳасиз, биз мусулмонлар ҳаммамиз суюкли пайгамбаримиз Муҳаммад саллоллоху алайҳи ва салламнинг Аллохнинг бандаси ва элчиси эканлигига гувоҳлик берамиз. Аллох таоло у зотни бутун оламга раҳмат килиб, такводор кишиларга йўлбошчи ва ҳамма халқлар устидан хужжат килиб юборди. Бу киши пайгамбарликни бекаму-кўст етказдилар, зиммаларига юкланган омонатни тўлик адо этдилар, умматларига холис насихат килдилар. Бизни туни ҳам кундуздек ёп-ёруғ йўл устига кўйиб кетдиларки, бундан бахтсиз кишиларгина юз ўгиради! Аллох таоло у киши оркали одамларни залолат – гумроҳликдан хидоят – тўғри йўлга бошлади, одамларнинг қалб кўзларини очди. Парвардигор у кишининг мартабаларини баланд килди, амру-фармонларига қаршилиқ қилганларни, йўлларига хилоф иш тутганларни хору-зорликка маҳкум этди.

У зотга, аҳли байтлари ва барча асхобларига, қиёматга қадар ул зотнинг йўлларига чақирган, суннатларига эргашган, «қизиб» берган йўлларидан юрган кишиларга яратганнинг салоту саломлари бўлсин.

Аллох таоло биз бандаларга у кишига бўйсуннишни, яхши кўриб улуглашни ва ҳақларини адо этишни фарз қилди. Мухтарам биродар, бизнинг пайгамбар саллоллоху алайҳи ва саллам олдидаги бурчимиз нималардан иборат? Қуйида зиммамиздаги у кишининг анча ҳуқуқларидан баъзиларини айтиб ўтаман.

1. кўп салавоту саломлар айтиш.

Аллох таоло айтади:

(□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□)



Ислом Нури

«Албатта Аллоҳ ҳам, унинг фаришталари ҳам пайгамбарга дуою салавот айтурлар, эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва салом айтинглар!» (Ахзоб:56)

«Албатта Аллоҳ ҳам, унинг фаришталари ҳам пайгамбарга дуою салавот айтурлар, эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва салом айтинглар!» (Ахзоб:56).

Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ким менга бир бор салавот айтса, бунинг эвазига Аллоҳ таоло унга ўнта салавот юборади».

Кимматли биродарим, энг афзал салавот у зотнинг ўзлари асхобларига ўргатиб кетаган салавотларидир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам:

(«Аллоҳнинг ҳамадан кўра кўпроқ яхши кўрмагунча мўмин бўла олмайди» (Муттафакун алайх).

2. У зотни чин дилдан яхши кўриш, ҳеч кимни у кишича яхши кўрмаслик.

Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Биронтангиз мени ўз фарзандидан, отасидан ва ҳамма одамлардан кўра кўпроқ яхши кўрмагунча мўмин бўла олмайди» (Муттафакун алайх).

Пайгамбар саллоллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари ва буйруқларини ҳар қандай одамнинг розилигидан устун кўйиш, ҳамма кайтарикларидан тийилиш, бир сўз билан айтганда, у кишига



Ислом Нури

4. У зотнинг суннатларига ҳукм сўраб мурожаат қилиш ва чиқарган ҳукмларига эътироз билдирмасдан рози бўлиш фарздир.

Аллоҳ таоло айтади:

(بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ أَطِيعُوا الرَّسُولَ وَلَا تُخَافُوا السُّلُوكَ وَاللَّهُ شَدِيدُ الْعِقَابِ
65:بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ)

«Йўқ, Парвардигорингизга касамки, то улар ўз ўрталарида чиккан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича – бўйсунмагунларича зинхор мўмин бўла олмайдилар» (Нисо:65).

5. Аллоҳ таолога фикр-хохишимиз, ҳавою нафсимиз, бидъатлар ёки ота-боболардан «мерос» қолган урф-одатлар билан эмас, балки расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам олиб келган, Аллоҳ тузган қонун бўйича ибодат қилмоғимиз лозим. Чунки, у киши яратувчи томонидан етказувчидирлар. Биз ҳаммамиз у киши пайгамбарликни етказиб, омонатни тўлик адо этганларига ва умматларига ҳолис насихат қилганларига гувоҳлик берамиз. Бирон яхшилик қолмаганки, кўрсатмаган бўлсалар, бирон ёмонлик йўқки оғохлантирмаган бўлсалар – Ота-оналаримиз у кишига фидо бўлсин. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло у киши орқали неъматини тўлик қилиб, динини қомил қилди. Аллоҳ таоло айтади:

(بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا أَطِيعُوا اللَّهَ أَطِيعُوا الرَّسُولَ وَلَا تُخَافُوا السُّلُوكَ وَاللَّهُ شَدِيدُ الْعِقَابِ
3:بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ)



«Бугун сизларга динингизни комил килдим, неъматимни бенуксон, тўқис килиб бердим ва сизлар учун (факат) Исломни дин килиб танладим» (Моида:3).

- Имом Муслим 384-ҳадисда ривоят қилган.